Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 81 (21. 200) 1992 йил 23 апрель, пайшанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

• ХДП ҳаётидан

МУҲИМИ — КИШИЛАР РУҲИНИ КЎТАРИШ

● ХДП Андижон вилоят кенгашининг иккинчи пленумида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши тўртинчи пленуми қарорлари ва республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда ҳозирги даврда ёшлар сиёсатини амалга ошириш чоралари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. Шокиров маъруза қилди.

НАРХ-навонинг ортиб бориши одамларни саросимага солиб қўйди. Бу ўтгинчи, вақтинчалик ҳолат эканлигини халққа тушунтириш партия ташкилотлари ва партия аъзоларининг бурчидир. Андижон вилоят партия ташкилоти шу йўлдан боряпти. Бутун диққат-эътибор кишиларнинг руҳини кўтариш, кайфиятини яхшилашга қаратилянти. Вилоятда гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳолининг кам даромадли қисмини моддий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасида ибратли ишлар қилинди.

Ишбилармонлар сафининг кенгайиши, кичик корхоналарнинг ортиб бориши қийин иқтисодий шароитда аҳолини кенг истеъмол моллари билан таъминлашни яхшилашга хизмат қиляпти. Бунда вилоят партия ташкилотининг тарғиботчилик роли катта. Ҳозир вилоятда 17 та шаҳар ва район партия кенгаши, мингдан ортиқ бошланғич, 243 та ҳудудий партия ташкилотлари иш олиб боряпти. Уларга уюшган 25 минг партия аъзоси халқ ичига дадил кириб боряпти.

Пленумда партия сафи илғор, ҳалол, соғлом фикрли кишилар ҳисобига ўсаётгани, вилоят партия кенгаши собиқ КПСС аъзоларига қарата мурожаат қилгани, шундан кейин уларнинг қайта рўйхатдан ўтиши тезлашгани ва бу иш май ойигача тугалланиши ҳақида гапирилди. Партия сафларини ижодкор зиёлилар, талабалар, ишчилар, деҳқонлардан иборат ёшлар билан тўлдириш асосий вазифадир. Бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва маориф идоралари меҳнат жамоаларини сиёсий ташкилотдан ҳоли этиш ҳақидаги қарор жойларда турлича қабул қилинди. Шу сабабдан бундай идораларда ишловчи ходимларни партияга қабул қилиш бирмунча оғир кечди. Бошланғич партия ташкилотлари котиблари шошма-шошарлик билан иш юритаётган жойларда партия safи ўсмаяпти. Шаҳар, район партия кенгашлари бу камчиликларни тўғрилашлари, ана шундай жойларга ишчан, партия ишига садоқатли кадрларнинг сайланишига эришишлари керак.

Аҳоли билан яқиндан иш олиб боришда партия гуруҳларининг роли катта. Вилоят, шаҳар, район партия кенгашларида, 72 та қишлоқ ва 4 та посёлка Советида депутатлар партия гуруҳлари ишлаб турибди. Олтинкўл, Жалолқудуқ, Комсомолобод, ва Марҳамат районларида бу иш яхши йўлга қўйилган.

Вилоят партия кенгаши жамоат ташкилотлари, ёшлар уюшмалари, жамғарма идоралари, миллий-маданий марказлар билан ҳамкорликни бирмунча яхшилади. Қизил Ярим ой жамияти билан биргаликда Избоскан, Бўтақора, Қўрғонтепа ногирон аёллар, эркаклар ва болалар уйларига, вилоят ҳокими билан бирга Андижон шаҳридаги қариялар уйига бориб, у ерлардаги шарт-шароитларни ўрганди, амалий ёрдамлар кўрсатди ҳамда уларни оталиққа олди.

Пленумда кадрлар сиёсати ҳақида вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев ХДП вилоят кенгаши фаоллари билан учрашгани, бу учрашув жонли, эркин баҳс тарзида қизиқарли ўтгани, ҳокимият билан партия ташкилоти ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб бориши ҳақида фойдали гаплар айтилгани алоҳида таъкидланди. Бундан шаҳар, район ҳокимлари ҳам тегишли хулоса чиқариб олишлари зарур.

Маърузачининг таъкидлашича, вилоят партия кенгаши Ёшлар иттифоқи билан биргаликда ««Ёшлар дастури»ни ишлаб чиқди. Бу дастур халқ ноиблари вилоят Кенгаши сессияси эътиборига ҳавола этилади. Ёшлар партиянинг келажагидир. Вилоят бўйича 2,5 минг нафар ёш қайта рўйхатдан ўтиб, ХДПга аъзо бўлди. 2 мингдан зиёд ёш эса партияга янгидан кирдилар.

Вилоят партия кенгаши касаба уюшмалари, фахрийлар ва хотин-қизлар кенгашлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, миллатлараро муносабатларни яхшилаш соҳасида ҳали кўп ишлар қилиши керак. Маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар пленум қатнашчилари эътиборини худди ана шу масалаларга қаратдилар. Вилоят Ёшлар иттифоқи қўмитаси котиби З. Саидхўжаев шундай деди:

— Бугунги пленум муҳокамасига «Ёшлар дастури» лойиҳасининг киритилишини ёшларга бўлган эътибор деб ҳисоблаймиз. Ташкилотимиз ўтган йили халқ оғзаки ижодини тиклаш, миллий урф-одатлар, анъаналарни қадрлашга бағишлаб «Аскиячилар», «Иқбол», «Водий булбули», «Балли, қизлар!» деган қатор баҳслар ўтказди. Балиқчи, Марҳамат районлари бўйича 25 нафар ота-онасиз болалар номига омонат дафтарчалари очиб, маълум миқдорда пул ўтказиб қўйдик.

Андижон шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби М. Қирғизбоев партиясиз давлат йўқ, буни ҳар бир фуқаро онгига етказишимиз, партиянинг обрўсини оширишимиз керак, деди. Вилоят, шаҳар ҳокимлари партия ташкилотларини ҳар ишда қўллаб-қувватлаб тўғри қилмоқдалар.

Пленум иштирокчилари Избоскан район партия кенгаши котиби Т. Қўчқоровнинг нутқини диққат билан тингладилар.

— Партия тузилди. Энди ишлашимиз, виждонан тер тўкишимиз керак. Ҳар бир ишда партиянинг роли сезилиб туриши лозим. Халқ демократик партияси ҳокимлар сайловида фаоллик кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин сайланиб олган баъзи ҳокимлар бугун партияни тан олгиси, уни қўллаб-қувватлагиси келмай қолди. Бундай ҳокимларга республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, муаммоларни ҳал этиш учун ҳамкорлик қилиш, бир ёқадан бош чиқариб ишлаш жуда зарурлигини уқтиришни хоҳлардим.

Пленумда Балиқчи район партия кенгашининг биринчи котиби С. Расулова, Асака районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг котиби Т. Зокиров ва бошқалар сўзга чиқиб ишдаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленум қатнашчилари, шунингдек, вилоят партия ташкилотининг молиявий аҳволи ва вилоят кенгаши аппаратининг тузилиши тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов қатнашди ва нутқ сўзлади. Пленум ишида Андижон вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев иштирок этди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Октябрь районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигининг «Зафар» ширкатида чигит экиш тезкорлик билан олиб бориляпти. Жамоанинг нияти — ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил олиш.

СУРАТЛАРДА: 1. Кооператив бошлиғининг ўринбосари Ҳамробой Исматов билан механизатор Суниат Омонов. 2. Чигит экиш пайти. 3. Звено бошлиғи Ҳусан Турсунов.
У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

ЎТОВ ЧИРОҚЛАРИ

Давлат хўжалигимиз бепоён Қизилқумнинг мағзида жойлашган. Ҳатто район марказига етиб бориш учун ҳам юзлаб километрни босиб ўтишга тўғри келади. Шундай шароитда ҳам чўпонларимиз яхши натижаларга эришмоқдалар.

Кейинги ўн йил мобайнида қоракўлчиликдан олинган ялпи даромад деярли тўрт баравар ошди. Рентабеллик даражаси 25,9 фоиздан қарийб 80 фоизга етди. Яқинда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Фармони билан қоракўл тери ва жун нархининг кескин оширилиши эса эркин нархлар шароитида чўпонни иҳтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли воситасига айланди.

Жамоамизда қозоқлар, ўзбеклар, қорақалпоқлар ва бошқа миллат фарзандлари бир оила фарзандидек аҳил яшашади. Барча фермаларда уй-жойлар, болалар боғчалари, ҳаммомлар, фельдшер-акушерлик пунктлари мавжуд. Электр чироғи чўпон ўтовида ҳам порлоқда. Ичимлик суви деярли барча қўрғонларда бор. Боймуродқудуқ қўрғони эса чорвадорларнинг чинакам шаҳарчасига айлантирилган.

Шу кунларда Н. Давлатбаев, Ғ. Бўкаев, Т. Сарботиров, Ҳ. Жонхўжаев, М. Кимбаев мудирлик қилаётган барча фермаларда қўзилатиш мавсуми намунали олиб борилаётир.

Н. БЕРДИЕВ,
Навоий вилояти Конимех районидаги «Шофиркон» давлат наслчилик хўжалиги бош чўпони.

ИЖАРА ИШ БЕРЯПТИ

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотлари харид нархларини ошириш тўғрисида қабул қилинган қарор бухоролик деҳқонлар, жумладан, чорвадорлар учун имтиёзлар яратмоқда, Айниқса, фермер ва ижарачилар бу қарорни қониқиш билан кутиб олишди. Бухорода уларнинг катта отряди ишлаяпти.

Бундан ўн ой муқаддам мен ҳам колхоз қорамолчилик фермасини ижарага олиш тўғрисида хўжалик бошқаруви билан шартнома туздим. Ферма кичик эмас. Бу ерда 675 бош қорамол, шу жумладан, 253 бош сигир парвариш қилинмоқда.

Фермани қабул қилиб олиш пайтида меҳнат жамоаси давлатга белгиланганидан 6 тонна кам сут, 4,7 тонна кам гўшт топширарди. Уни самарадорлик йўлига олиб чиқишни ҳар бир чорвадорнинг моддий манфаатдорлигини пироварднатижага бевосита боғлиқ қилиб қўйишдан бошладим.

Чунончи, ҳар бир сут соғувчи, молбоқарнинг маълум иш мундарижаси учун қатъий иш ҳақи белгиланиб ундан зиёда бажариладиган ҳар бир юмуш учун қўшимча меҳнат ҳақи тўланадиган бўлди. Бу эса фермада ишловчиларнинг сонини қисқартириб, иш ҳажмини кескин оширишга имкон берди. Натижада ўртача ойлик иш ҳақи уч ой мобайнида икки бараварга ошиб, ҳозир 600 — 700 сўм атрофида бўляпти. Маҳсулотнинг умумий ўсиши эса 10,5 тонна ҳар бир центнеридан деярли қирқ сўмдан фойда кўрилади. Агар йил охиригача қолган тўққиз ой мобайнида фермамиз давлатга 390 тонна сут сотиш белгилагани кўзда тутилса, ферма бунинг ҳисобига 434 минг сўм соф фойда олиши аён бўлади. Шунинг юз минг сўми ферма жамоаси ихтиёрида қолади. Бу ўтган йилдагига нисбатан ўн баравар кўп.

Айни маҳалда хўжалик ихтиёрида қолдириладиган ўн беш фоизлик маҳсулот ҳисобига уни қайта ишлашни йўлга қўйиб, олинадиган фойдани янада кўпайтириш ниятидамиз. Шу мақсадда пишлоқ тайёрлаш цехи қурилишини бошлаяпмиз. Яқинда хўжаликдан олти юз минг сўм қарз олиб, янги дон ўриш комбайнини харид қилдик. Зеро, мўл озуқасиз чорвачиликни ривожлантириш амримаҳол.

Фермада меҳнат қилаётган 45 кишидан 25 киши бевосита озуқа етиштириш билан машғул. Т. Ёдгорова, Х. Абдуллаева, Х. Икромова, Р. Ҳасанова каби сут соғувчилар, З. Исроилов, Ж. Турк манов, Х. Бозоров, О. Ёдгоров каби молбоқар, бузоқбоқарлар куч-ғайратларни аямай меҳнат қилишмоқда.

Н. САМАНДАРОВ,
Вобкент районидаги Исмоил ал Бухорий номидаги жамоа хўжалиги қорамолчилик фермаси ижарачиси.

• *Президент Фармони — юрт дармони*

АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР

Афғонистондаги аҳвол ва шу мамлакат теварагидаги вазият чигал ва зиддиятли бўлиб турибди. Бир томондан, қабилаларнинг бошлиқларидан тузиладиган бетараф ўтиш даври ҳукуматини барпо этиш йўли билан аҳволни бартараф қилиш, ўт очишни тўхтатиш ва умумий сайлов ўтказиш юзасидан БМТ тузган режа барбод бўлди, деб даъво қилмоқдалар. Иккинчи томондан, РАТА—ТАСС Франс Пресс ахборот бошқармасининг маълумотига асосланиб берган хабарида айтилишича, БМТ Бош котибининг Кобулдаги вакили Бенон Севан ўзаро курашаётган барча томонлар билан зўр бериб музокара ўтказмоқда. 21 апрелдан у мужоҳидларнинг барча дала командирлари билан мулоқот бошлашга қарор қилди ва БМТнинг сулҳ режаси мўлжалланган мақсадга қараб бормоқда, деб ҳисобламоқда.

РАТА—ТАССнинг хабар қилишича, Нажибулло жўнаб кетиш учун ҳукуматдан рухсатнома олиб, Деҳлига етиб борган ва номаълум томонга олиб кетилган. Афғонистон собиқ Президентининг хотини ва уч қизи Деҳлидаги «Ашока» меҳмонхонасида қаттиқ муҳофаза остида турибди. Афғонистоннинг Ҳиндистондаги собиқ элчиси, Нажибуллонинг қайниси Аҳмад Сарвар ҳам ўз оиласи билан шу ерда. Ҳиндистон маъмурлари собиқ Президентнинг бу мамлакатда вақтинча туриши ҳақидагина гап бораётганини ва унга сиёсий бошпана берилмаслигини билдирдилар.

Покистон билан Эрондан олинган хабарларга қараганда, шу мамлакатларнинг сиёсий раҳбарияти Нажибулло тузуми ағдариб ташланиб, бу мамлакатда ислом ҳукумати тузулишини қўллаб-қувватламоқда.

«Озодлик» радиоси Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг ходими, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйича мутахассис Владимир Пластун билан бўлган суҳбатни эшиттирди. У олти йил мобайнида СССРнинг Афғонистондаги маслаҳатчиси бўлиб ишлаган эди. Унинг фикрича, Ўрта Осиё давлатлари ва Қозоғистон Нажибдан кейин Афғонистон билан ўз муносабатларини — фақат савдо-сотиқ соҳасида эмас, сиёсат соҳасидаги муносабатлари ва миллий муносабатларини ҳам ўз билганларича йўлга қўядилар. В. Пластун Афғонистоннинг Россия билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболларига умидворлик билан қарайди.

«Америка овози»нинг хабарига кўра, Ҳиндистонга ташриф буюрган Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов БМТнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва бетараф ҳукумат тузиш соҳасидаги ташаббусларини маъқуллаган.

Афғонистондаги фуқаролар урушида икки миллионга яқин киши ҳалок бўлди, тахминан шунча киши ногирон бўлиб қолди. Бу рақамларни Москва телекўрсатуви айтди.

21 апрель куни Москвада МДҲ мамлакатлари байналмилалчи жангчилар ишлари билан шуғулланувчи мухтор вакиллари мувофиқлаштириш комитетининг мажлиси очилди. Ҳозир, Афғонистондаги вазият жуда кескинлашганлиги муносабати билан собиқ совет ҳарбий асирларини қидириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолди. РАТА—ТАССнинг хабар қилишича, Афғонистондаги уруш ҳаракатлари вақтида бедарак йўқолган 304 нафар аскар ва зобитнинг тақдири шу пайтгача аниқланган эмас.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.

ҚИЙҒОС НИҲОЛЛАР

Сирдарё вилояти деҳқонлари дон учун маккажўхори экишни ўтган йилдагидан деярли бир ҳафта илгари тамомладилар. Бу йил жами 6152 гектар ерга уруғ ташланди. Экиш-тикиш тадбирлари айниқса, Гулистон, Сайхунобод, Оқолтин, Сирдарё районларида яхши ўтказилди.

Вилоят маккажўхорикорлари ҳосилдорликни гектар бошига 55—60 центнерга етказиш йўлида астойдил иш олиб бормоқдалар. Сирдарё, Сайхунобод, Гулистон районларидаги қатор хўжаликларда ниҳоллар қийғос униб чиқмоқда. Ана шу майдонлардаги ниҳолларга дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Бухорода район ва шаҳар ҳокимлари, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш вилоят, шаҳар ва район раҳбарлари иштирокида кенгаш ўтказилди. Ўнда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Б. Маликов жумҳуриятда, жумладан, Бухоро вилоятида юзага келган иҳтимоий-сиёсий вазият ҳақида, шу кунги долзарб вазифалар, қонунчиликка риоя этиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи эканлиги хусусида маъруза қилди.

Кенгашда Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров нутқ сўзлади.

(ЎзА).

Танишинг: Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетининг раиси

Нодирбек Рустамбекович ЮСУПБЕКОВ



Н. Р. Юсупбеков 1940 йили Тошкентда туғилган. Тошкент политехника институтини тугаллаб, шу олий мактабда муаллим, кафедра мудири, декан лавозимларида ишлади. Тошкент давлат машинасозлик институти, сўнгра Тошкент Давлат техника дорилфунуни ректори бўлди. Техника фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби. Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори. У кўплаб жамоат ишларини адо этди. Тошкент шаҳар ректорлар кенгашининг раиси.

— Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳар бир соҳага, жумладан, илм-фанни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда, — деди у. — Шу мақсадда республикамизда Фан ва техника давлат комитетининг ташкил этилиши диққатга сазовордир.

Республика Фан ва техника давлат комитетининг асосий вазифаси илм-фанни янада ривожлантириш, янги техника ва технологияни жорий этиш ва унинг кенг кўламда фаолият кўрсатишига эришишдан иборат. Биз илм-фанни ривожлантирмас эканмиз, республикамизнинг тараққий этишига муносиб ёрдам беролмаймиз. Бунинг учун истеъдодли ёшларни ўқитиш, тарбиялаш, илм-фанга йўллаш, уларнинг илмий салоҳиятини янада кенгайтириш зарур.

Мирза КАРИМ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ О. А. АЛИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил ҳалол меҳнат қилганлиги, республика халқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари ва фаол иҳтимоий фаолияти учун Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика кенгаши раёсатининг раиси Ўртоқ Ориф Алимович Алимов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 21 апрель.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ОДАМЛАР ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛАЙЛИК

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги мураккаб даврда қийинчиликларини енгиш, одамларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш учун районимиз партия кенгаши ўз ҳаракат дастурини ишлаб чиқиб, шу асосда фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир юқоридан тушиб дабдабали тадбирлар ўтказиладиган, турли-хил тавсияномалар берадиган вақт эмас. Аҳоли ўзи билан бирга яшаб, ўзининг оғир кунига шерик бўлаётган кишигагина ишонч билдиради. Партиямиз ташкилоти буни яхши тушуниб шу асосда иш олиб боряпти. Иш жойимиз халқ орасида, уйжой кварталларида, ишлаб чиқариш ва қурилиш ташкилотларида бўлиб қолди. Кишилар дардига иложи борича малҳам бўлиб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қиляпмиз.

Сир эмаски, турмуш оғирликларидан ташқари ҳозир ҳудудларимизда содир бўлиб турган турли хил тартибсизликлар, ўғирликлар, қотилликлар одамларни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Шундай иллатлардан қутилиш йўлларини топишга кўмаклашиш ҳам партиянинг доимий эътиборида бўляпти. Чунончи, район меҳнаткашлари осойишталигини сақлаш учун талабалар иштирокида гуруҳлар тузилиб, назорат кучайтирилмоқда. Бу тадбир район ички ишлар ходимлари закиллари билан келишилган ҳолда амалга оширилаётир.

Дўкон ва ошхоналар, меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш корхоналаридаги аҳволни яхшилаш ишига ҳам кенг жамоатчилик билан бирга таъсир ўтказиляпти. Партия аъзолари бўлган ноиблардан 30 киши савдо шахобчалари ишини назорат қилмоқда. Баъзи раҳбарларнинг лоқайдлиги туфайли меҳнаткашлар мурожаати эътиборсиз қоляпти. Мисол учун пенсия ёшига етганлар ўз нафақасини расмийлаштириш учун неча ойлаб идорама-идора сарсон бўляптилар. Алоқа хизматларида ҳам иш яхши эмас. Квартира, ер участкаси олиш ҳам ниҳоятда оғирлашди. Биз район ҳокими ўринбосари Н. Маннопов билан бирга шу масалани чуқур ўрганяпмиз, квартира ва ер участкасига муҳтож бўлган оилаларни қайтадан аниқлаб, уни шаҳар ҳокимияти олдига қўйиш ниятимиз бор. Мавжуд қонунларга амал қилиш ўрнига ўз мавқеини сақлаш учун фуқароларни ҳуда-беҳудага югуртириш, одамларга тўраларча жавоб бериш каби ҳоллар ҳам анча-мунча. Район партия ташкилоти ана шу муаммоларни бартараф этишга ҳам ўз эътиборини кучайтирди.

Район партия кенгаши қошида 6 кишилик гуруҳдан иборат ўзаро ёрдам фонди тузилган. У райондаги ночор оилаларга ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олган. Тўпланган маблағ камбағал оилалар, ногиронлар, айниқса ногирон болалар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва нафақахўрларга ёрдам бериш, район партия ташкилоти умумий тадбирлари учун ишлатиляпти. Жумладан, партиядан ҳоли қилинган ташкилотда виждонан ишлаган собиқ коммунистлардан 100 нафарига фахрий ёрлиқлар ва совғалар топширилди. Район ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган фахрийлардан 3 нафар кишининг таваллудини улар ишлаган ташкилотлар билан биргаликда ўтказдик. «Истиқлол» маҳалласи ҳудудий партия ташкилоти 50 дан ортиқ ночор оилага турли совғалар туҳфа этди. Кекса партия аъзоси Ф. Бурнашев оиласига пул маблағи ажратилди. Шунингдек, фаолларимизнинг дам олиш кечаси ҳам ташкил этиляпти. Тўғри, буларнинг ҳаммаси дастлабки қадамлардир. Ушбу тадбирларни ўтказишда райондаги барча фаолларга суянамиз.

Дарвоқе, кадрлар билан янгичасига иш олиб бориляпти. Шу кун талабларига жавоб бермаётган раҳбарлар фаолиятини ўрганиб чиқиб, улар тўғрисида ўз таклифларимизни беришга тўла ҳаққимиз бор. Бу соҳада корхоналарда район ҳокимияти билан биргаликда социологик тадқиқотлар олиб бориб, раҳбарларнинг билимдонлиги, ўз қўл остидаги одамлар билан муносабатлари ўрганилиб, тегишли таклифлар киритяпмиз. Пенсия ёшидан ўтиб қолган раҳбарларнинг маълум бир қисми давр талабига жавоб бермаслиги равшан. Айниқса, бу гап таълим-тарбия соҳаси ходимларига дахлдор. Чунки улар на хўжалик, на тарбия ишлари билан шуғулланмайдилар. Пенсия ёшидагилар қўшимча маълумот бериш учун ишласалар яхши бўларди. Ўйлаймизки, бу борада бўлажак Конституцияга бирон аниқлик киритилади. Раҳбарлар орасида кўп гапириб, ишга келганда дўқ-пўписадан нарига ўтмайдиганлар ҳам оз эмас. Умуман раҳбарларни сайлаб қўйиш одат тусига кирган бир пайтда уларни қайтадан тайинлаш услубига кўчиляпти. Фикримча бу адолатни тиклаш ўрнига орқага қайтишдан бошқа нарса эмас. Балки бу ҳозирги давр учун яхшидир. Лекин келажакда бу услубни ўзгартириш учун бошқатдан янгича иш юритиш, яъни кўп оворагарчиликларга йўл қўйишга мажбур бўлинмасмикин?

Шуни ҳам айтиш керакки, талабалар тўғрисидаги тадбирлар пухта ўйланмасдан амалга оширилмоқда. Зеро асрлар давомида кишилар марказларда ўқиганлар, ўз истеъдодларини намоён этганлар. Эндиликда марказга ўқишга келганлар четлатилмоқда. Бу ўз навбатида олий билимгоҳлар ўқитувчилари орасида норозилик уйғотмоқда. Бу борада норозилик билдириб партия кенгашига келаётганлар ҳам кўпайиб боряпти. Шунингдек, турли миш-мишлар ҳам тўгиляпти. Штатлар қисқаришга, ўқитувчиларнинг вилоятларга юборилиши тўғрисидаги миш-мишлар бунга мисол бўлиши мумкин. Шу боис тегишли мутасадди ходимлар радио-телевидение, газеталар орқали шу хусусда маълумотлар бериб боришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Аниқроқ қилиб айтсам, вилоятлардаги олий билимгоҳларда маълум соҳаларнинг мутахассислари, керакли ўқув жиҳозлари етишмайди. Шундай экан, республикамизда етук кадрлар тайёрлаш иши яна 10—15 йил орқага сурилиб кетиши ҳеч гап эмас. Ўйлаймизки, бу соҳада ҳам ижобий ишлар амалга оширилади.

Маълумки, қайта қуришнинг жамиятимиз учун муҳим ижобий томони бўлди. У ҳам бўлса ҳамманинг ўз фикрини ўртага ташлаши учун шароит яратилди. Лекин бу партиялар, жамоат ташкилотлари ўртасида келишмовчиликлар бўлиши керак, деган гап эмас, албатта. Партиялар бир-бирининг ишига аралашиши, арзимаган камчиликларни рўкач қилиб, кенг миқёсда бир-бирига тош отиши одобдан эмас. Ҳозир халқ турли хил сиёсат ишларидан ниҳоятда чарчаган, турмуш оғирчилигидан эзилган пайтда партиялар ақл-идрок билан иш қилса, биргалашиб аҳолининг оғир турмушини енгиллаштириш учун ҳаракат қилса дуруст бўларди. Зеро барча сиёсий партиялар ва халқ ҳаракатларининг дастурида ҳам ана шу мақсадлар ёзиб қўйилган. Шундай экан, мана шу мақсадни рўёбга чиқариш учун иш олиб борайлик.

Ҳаммамиз инсонмиз. Берилган қисқа умрни бир-бировимизни ўринсиз қоралаб янада қисқартирмаслигимиз керак. Шундай экан, ҳамма ўз вазифасини билиб адо этиши, талабчанликни эса ўзидан бошлаши зарур. Биз партиямиз аъзолари ўртасида шахсий манфаатларни жамоат манфаатларидан устун қўймаслик принципларига риоя этишга қаратилган ишни олиб бораётирмиз. Янги партиянинг асосий ва муҳим принципларидан яна бири ходимлар учун имтиёзлар йўқ қилинганлигидир. Партиямиз фаолиятини халқ фаровонлиги учун, унинг келажакдаги бахт-саодати учун йўналтиряпмиз.

З. ДАВРОНОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фрунзе район кенгашининг биринчи котиби.

• НАРТИЯ АХБОРОТИ

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

● Яқинда қардош Туркманистон демократик партияси Сиёсий кенгаши котиби Назар Сафаров бошчилигидаги бир гуруҳ вакиллар Хоразмда меҳмон бўлиб Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ва бир қатор партия ташкилотлари иш тажрибалари билан танишдилар. Улар Урганч ёғ-мой комбинати бошланғич партия ташкилотида, ХДПнинг Хива ва Қўшкўпир район кенгашларида, Хива гиламчилик комбинати, Урганч пиллакашлик бирлашмаси, Қўшкўпир районидаги «Тошкент» жамоа хўжалигида бўлиб, партия ташкилотлари фаолиятини ғоят қизиқиб ўргандилар.

Туркманистон демократик партияси Сиёсий кенгаши котиби Н. Сафаров ХДПнинг вилоят кенгашида бўлиб ўтган суҳбат чоғида демократик партия ташкил этилганидан буён ўтган икки ойдан кўпроқ вақт ичида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам гапириб берди. Қисқа вақт ичида унга 54 минг киши аъзо бўлиб кирди, — деди у. — Бир вақтлар КПСС сафида турган 48 минг коммунист янги Туркманистон демократик партияси Дастури ва Низомини якдиллик билан маъқулладилар. Олти минг нафар киши эса партияга янгидан аъзо бўлиб кирди.

Туркманистон демократик партияси вакилларининг Хоразмга қилган сафари давомида уларга Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов ҳамроҳлик қилди.

Э. МАДРАҲИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РАЙОН КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Хатирчи район партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми қарорлари асосида район партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Шу ҳақда ХДП район кенгашининг биринчи котиби Р. Ботиров маъруза қилди. Музокарада сўзга чиққан нотиқлар партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш учун мавжуд барча имкониятлардан тўла фойдаланиш зарурлигини таъкидладилар. Пленум қарори билан район меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялаш ва аҳолига савдо хизматини яхшилаш мақсадида назоратни кучайтириш учун район партия кенгаши аъзолари ва ХДП аъзоси бўлган район ноиблари савдо нуқталарига бириктирилдилар.

Б. МАРДИЕВ.

Хушхабарлар

ТАДБИРКОР МУҲАНДИС

● Баҳритдин ака Жалолов Ғиждувон пиво ва яҳна ичимликлар заводида ишлаб чиқариш бошлиғи бўлиб кўп йиллардан буён меҳнат қилади.

Ишдан бўш вақтларида эса шахсий томорқа хўжалигида эртанги сабзавот етиштиради. Яқинда унинг ташаббуси билан завод ҳовлисида иссиқхона хўжалиги ташкил қилинди. Хўжалик эрта баҳордаёқ заводнинг барча ишчиларини бепул кўчатлар билан таъмин этди. Ҳозир помидор ҳосили пешма-пеш қизара бошлади. Энди корхона ошхонаси сервитамин резавор ва сабзавотлар билан таъминланмоқда.

СЕРЖИЛО ГИЛАМЛАР

● Ромитан районидаги Нариманов номли жамоа хўжалигининг Боғча қишлоғида гиламдўзлик цехи ташкил қилинди.

Ҳимматой Тошева бошчилик қилаётган бу цехда Бухоронинг сержило гиламлари тўқилмоқда. Дилсора Бозорова, Ҳолида Ашурова, Замира Нарзиева, Насиба Турдиева сингари қўли гул чеварлар тўқиган гиламлар ромитанликлар хонадонига чирой киритмоқда.

ХЎЖАЛИК ТУҚУВЧИЛАРИ

● Олот районидаги Навоий номли жамоа хўжалигида Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси Қоракўл йигирув фабрикасининг филиали ташкил қилинди.

Бундан мақсад хўжалик хотин-қизларини иш билан таъминлашдир. Айни маҳалда янги филиалда қурилиш ва ускуна ўрнатиш ишлари поёнига етди. Ўттиздан зиёд ёшлар янги касбни ўзлаштириб, хўжаликларига қайтишди. Яқин кунлар ичида корхона маҳсулот ишлаб чиқаришга киришади.

Н. НАИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• МИНГБУЛОҚДАН МАКТУБЛАР •

4. ГУЛНИ ГУЛ ДЕРМУ КИШИ

ЁКИ НАМАНГАН НЕФТИ ҲАҚИДАГИ АСЛ ҲАҚИҚАТ ВА МИШ-МИШЛАР ХУСУСИДА

● ТАБИАТ ОЗОР ЧЕКМАЙДИ
● ҚУРУМНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ МАШИНА
● ХАТАРЛАР ОРТДА ҚОЛИБ
● МУТАХАССИСЛАР ДАЛОЛАТИ ВА МАСЛАҲАТИ
● ОМАДИ КЕЛГАН НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИЛАР

Бундан беш-олти ҳафта илгари Фарғона водийси аҳолиси безовталаниб, айрим кишилар ваҳимага тушиб қолдилар. Дарҳақиқат ўша кунлари Мингбулоқ нефти белгиланган чўқурликдан эмас, ундан сал саёзроқ нуқтадан кўз очди. Нефтчиларнинг таъбири билан айтганда, пармалаш ускунаси мўлжалдан сал олдинроқ резервуар — нефть оқадиган «йўлак»ка санчилиб, томирдан қон отилгани сингари ер қаъридан нефть кўпириб чиқди. Зум ўтмай «қора олтин» босими кучайиб, ер юзасида ёна бошлади.

Шунда оғзига кучи етмаган, нефтчилик технологиясидан бехабар айрим кишилар ваҳимага тушишди. Миш-мишларга ўч баъзи одамлар «ундоқ бўлармиш, бундоқ бўлармиш» деган асоссиз гаплар тарқатишди. Эмишки, ер-сув заҳарланаётганмиш. Энди Наманган тупроғида мева-чева қуриб, деҳқончиликдан ҳосил ундириб бўлмасмиш. Бундай узун қулоқ гаплар оғиздан-оғизга ўтиб водий аҳолиси оромини бузди.

Дарҳақиқат ўша кезлари Мингбулоқдан отилиб чиққан нефть фавввораси кучайиб борди. Босими иккиуч баравар, ундан ҳам юқори даражада ортди. Наманган, Задарё, Андижон вилоятининг Балиқчи туманлари устини дастлаб сийрак, кейин кўпроқ чанг, қурум ва тутун қоплаб борди. Таъби нозик баъзи кишилар нефть қурумлари зарраларидан хавотирга туша бошладилар. Бир-икки кун кон булоғи устида булут пардаси ёйилиб, қуёш ёриғини нисбатан камроқ ўтказаётгани ҳақида гап тарқатдилар.

Дарҳол Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти Мингбулоқда штаб тузди. Штаб аъзолари таркибига, жумладан соғлиқни сақлаш муассасаларининг тажрибали мутахассислари ҳам киритилди. Нефтчи-экспертлар гуруҳи бу ерда фаол иш олиб бора бошлади. Заррача ўзгариш махсус ускуналар ёрдамида ҳисобга олиниб, дарҳол лаборатория таҳлиллари ўтказила бошлади.

Дастлабки ва охирги таҳлиллар нималарни кўрсатди? Бу ҳақда «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», деган халқ мақолига амал қилдик. Мана, мутахассисларнинг мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

В. Коньюхов, Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари: — Мингбулоққа республиканинг билимдон, тажрибали мутахассислари билан дастлабки куниёқ етиб келгандик. Ўшандан буён кечаси-ю, кундузи кунналарда район ҳокимияти билан биргаликда социологик тадқиқотлар олиб бориб, раҳбарларнинг билимдонлиги, ўз қўл остидаги одамлар билан муносабатлари ўрганилиб, тегишли таклифлар киритяпмиз. Пенсия ёшидан ўтиб қолган раҳбарларнинг маълум бир қисми давр талабига жавоб бермаслиги равшан. Айниқса, бу гап таълим-тарбия соҳаси ходимларига дахлдор. Чунки улар на хўжалик, на тарбия ишлари билан шуғулланмайдилар. Пенсия ёшидагилар қўшимча маълумот бериш учун ишласалар яхши бўларди. Ўйлаймизки, бу борада бўлажак Конституцияга бирон аниқлик киритилади. Раҳбарлар орасида кўп гапириб, ишга келганда дўқ-пўписадан нарига ўтмайдиганлар ҳам оз эмас. Умуман раҳбарларни сайлаб қўйиш одат тусига кирган бир пайтда уларни қайтадан тайинлаш услубига кўчиляпти. Фикримча бу адолатни тиклаш ўрнига орқага қайтишдан бошқа нарса эмас. Балки бу ҳозирги давр учун яхшидир. Лекин келажакда бу услубни ўзгартириш учун бошқатдан янгича иш юритиш, яъни кўп оворагарчиликларга йўл қўйишга мажбур бўлинмасмикин?

Шуни ҳам айтиш керакки, талабалар тўғрисидаги тадбирлар пухта ўйланмасдан амалга оширилмоқда. Зеро асрлар давомида кишилар марказларда ўқиганлар, ўз истеъдодларини намоён этганлар. Эндиликда марказга ўқишга келганлар четлатилмоқда. Бу ўз навбатида олий билимгоҳлар ўқитувчилари орасида норозилик уйғотмоқда. Бу борада норозилик билдириб партия кенгашига келаётганлар ҳам кўпайиб боряпти. Шунингдек, турли миш-мишлар ҳам тўгиляпти. Штатлар қисқаришга, ўқитувчиларнинг вилоятларга юборилиши тўғрисидаги миш-мишлар бунга мисол бўлиши мумкин. Шу боис тегишли мутасадди ходимлар радио-телевидение, газеталар орқали шу хусусда маълумотлар бериб боришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Аниқроқ қилиб айтсам, вилоятлардаги олий билимгоҳларда маълум соҳаларнинг мутахассислари, керакли ўқув жиҳозлари етишмайди. Шундай экан, республикамизда етук кадрлар тайёрлаш иши яна 10—15 йил орқага сурилиб кетиши ҳеч гап эмас. Ўйлаймизки, бу соҳада ҳам ижобий ишлар амалга оширилади.

Маълумки, қайта қуришнинг жамиятимиз учун муҳим ижобий томони бўлди. У ҳам бўлса ҳамманинг ўз фикрини ўртага ташлаши учун шароит яратилди. Лекин бу партиялар, жамоат ташкилотлари ўртасида келишмовчиликлар бўлиши керак, деган гап эмас, албатта. Партиялар бир-бирининг ишига аралашиши, арзимаган камчиликларни рўкач қилиб, кенг миқёсда бир-бирига тош отиши одобдан эмас. Ҳозир халқ турли хил сиёсат ишларидан ниҳоятда чарчаган, турмуш оғирчилигидан эзилган пайтда партиялар ақл-идрок билан иш қилса, биргалашиб аҳолининг оғир турмушини енгиллаштириш учун ҳаракат қилса дуруст бўларди. Зеро барча сиёсий партиялар ва халқ ҳаракатларининг дастурида ҳам ана шу мақсадлар ёзиб қўйилган. Шундай экан, мана шу мақсадни рўёбга чиқариш учун иш олиб борайлик.

Ҳаммамиз инсонмиз. Берилган қисқа умрни бир-бировимизни ўринсиз қоралаб янада қисқартирмаслигимиз керак. Шундай экан, ҳамма ўз вазифасини билиб адо этиши, талабчанликни эса ўзидан бошлаши зарур. Биз партиямиз аъзолари ўртасида шахсий манфаатларни жамоат манфаатларидан устун қўймаслик принципларига риоя этишга қаратилган ишни олиб бораётирмиз. Янги партиянинг асосий ва муҳим принципларидан яна бири ходимлар учун имтиёзлар йўқ қилинганлигидир. Партиямиз фаолиятини халқ фаровонлиги учун, унинг келажакдаги бахт-саодати учун йўналтиряпмиз.

З. ДАВРОНОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фрунзе район кенгашининг биринчи котиби.

А. Умаров, Наманган вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош врачи ўринбосари: — Осмонга ўрлаётган фаввора ёндириб юборилиши билан табиат мусаффолиги тозаланди, зарарли газлар миқдори камайиб кетди. Мутахассислар тили билан айтганда, Мингбулоқ осмонида ва унга яқин ҳудудларда олтингугурт ангидриди миқдори нормадаги даражага, окс-углерод эса рухсат берилган меъёрдан ҳам паст даражага тушди. Кейинги вақтларда ҳавода углеводород моддалари борлиги аниқланмади.

Шундай бўлса-да, касбим буюрган бир маслаҳатни ҳар эҳтимолга қарши эслатиб ўтмоқчиман. Халқимиз ўз табиатига кўра, кўкатларни хуш кўради. Турли кўкатлардан сомса, чучвара пишириб ейишни ёқтиради. Мингбулоқ атрофидаги 1,5—3 километр радиусдаги ҳудудларда яшовчи аҳолига иложи борича кўкатларни истеъмол қилмай туришни маслаҳат берамиз. Негаки, кўз билан кўриш ва қўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлмаган ёпишқоқ моддаларни ювиш йўли билан тозалаш қийинроқ. 30—40 километр радиусдаги аҳоли яшаш жойларидаги дарахтлар ва кўкатларга тушган нефть қурумларида зарарли моддалар йўқ.

А. Раҳмонов, вилоят сув қурилиши трести бошқарувчиси: — Нефть фавввораси шитоб билан ёниб, унинг босими 500 куб метрга етганда сув хўжалиги ходимлари ҳам ёрдамга бел боғлади. Мутахассис ва ходимларимиз ишни аниқ жадвал асосида ташкил этиб, сув ўзанлари мусаффолиги учун зарур чоралар белгилаб, уларни босқичма-босқич амалга ошира бошладилар.

—Энг биринчи вазифамиз— кон яқинидан оқиб ўтадиган Сирдарёга нефтни туширмасликдан иборат эди. Буни эпладик. Фаввора зўр куч билан ёнган кунлари сув ўзанлари ифлосланиши олдини олиш юзасидан 5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Сув иншоотлари қирғоқларига қўнган нефть қурумларини тозалашга ажаратилган ҳам барҳам берилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, энди ҳеч қандай миш-мишларга ўрин қолмади.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтиш керак. Фавворага қарши кураш техникавий кенгаши шу орада бир муҳим тадбирга қўл урди. Мутахассислар кенгашиб, фавворани ёндиришди. Бу эса ҳаво тозалигини яхшилашда муҳим омил бўлди. Кейинроқ, фаввора атрофида ёйилиб ёнаётган нефть алангаларини ҳаражат, қўшимча меҳнатсиз ҳаво тозаланиб борди. Ёмғирдан сўнг эсган шамол туфайли атрофга тарқалаётган қурум кескин камайди.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтиш керак. Фавворага қарши кураш техникавий кенгаши шу орада бир муҳим тадбирга қўл урди. Мутахассислар кенгашиб, фавворани ёндиришди. Бу эса ҳаво тозалигини яхшилашда муҳим омил бўлди. Кейинроқ, фаввора атрофида ёйилиб ёнаётган нефть алангаларини этиб, сув ўзанлари мусаффолиги учун зарур чоралар белгилаб, уларни босқичма-босқич амалга ошира бошладилар.

—Энг биринчи вазифамиз— кон яқинидан оқиб ўтадиган Сирдарёга нефтни туширмасликдан иборат эди. Буни эпладик. Фаввора зўр куч билан ёнган кунлари сув ўзанлари ифлосланиши олдини олиш юзасидан 5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Сув иншоотлари қирғоқларига қўнган нефть қурумларини тозалашга ажратилган ҳам барҳам берилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, энди ҳеч қандай миш-мишларга ўрин қолмади.

Атроф-муҳит мусаффолиги ҳақидаги муаммоларга қарши кураш ҳамон сусайгани йўқ. Қилни қирққа ёрувчи мутахассислар сув ўзанларини назорат қилишни давом эттирмоқдалар. Дарахтлардан, ўсимликлардан, экин майдонларидаги тупроқдан намуналар олиб, лаборатория таҳлиллари ўтказиш бир дақиқа ҳам тўхтамаяпти.

Саноқли кунлар ўтиб, Мингбулоқ нефть фавввораси жиловланади. Бунинг учун туну кун изланиш, тараддуд тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Фавворанинг «бўйнига сиртмоқ тушгач», Мингбулоқ конидан бир меъёрда маҳсулот олиш, уларни Оқтошгача чўзилган қувур орқали ҳайдаш йўлга қўйилади. Эстакада ва омборларга етиб борган нефть энг қулай усуллар билан Олтиариқ ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларига етказиб борилади.

Ундан кейин-чи?

Атроф-муҳит мусаффолиги ҳақидаги муаммоларга қарши кураш ҳамон сусайгани йўқ. Қилни қирққа ёрувчи мутахассислар сув ўзанларини назорат қилишни давом эттирмоқдалар. Дарахтлардан, ўсимликлардан, экин майдонларидаги тупроқдан намуналар олиб, лаборатория таҳлиллари ўтказиш бир дақиқа ҳам тўхтамаяпти.

Саноқли кунлар ўтиб, Мингбулоқ нефть фавввораси жиловланади. Бунинг учун туну кун изланиш, тараддуд тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Фавворанинг «бўйнига сиртмоқ тушгач», Мингбулоқ конидан бир меъёрда маҳсулот олиш, уларни Оқтошгача чўзилган қувур орқали ҳайдаш йўлга қўйилади. Эстакада ва омборларга етиб борган нефть энг қулай усуллар билан Олтиариқ ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларига етказиб борилади.

Ундан кейин-чи?

— Менимча, кўпчиликни нефть таркиби қизиқтирса керак, — деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси ўринбосари Акрам Раҳимов. — Шуни айтишим мумкинки, Наманган нефти жаҳон стандартига тўғри келади. Унинг бирон грами ҳам исроф бўлишига йўл қўймаслик керак. Таркибида бензин, кўп миқдорда дизель ёнилғиси, керосин, солярка, мазут ва битум кабилар бор. Лекин бу — якуний хулоса эмас. Дастлабки маълумотлар, холос. Эҳтимол, таркиби бундан ҳам яхши бўлиб чиқар.

Шундай конлар ҳам учрайдики, нефть таркибида катта миқдорда олтингугурт аралашмаси бўлади. Бундай нефтни заводда қайта ишлашда кўплаб қийинчиликларга дуч келинади. Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасида эса олтингугуртли маҳсулотни қайта ишлашда қийинчилик бўларди. Бахтни қарангки, Наманган нефтининг таркибида умуман олтингугурт йўқ. Бу — водийликларнинг омади.

Юқоридагиларни мулоҳаза қилиб:

Гулни гул дерму киши
Гулнинг тикони бўлмаса...

деган халқ қўшиғи ногаҳон ёдга келади. Буни шунинг учун айтяпмизки, нефть ғирт ташвиш экан, деган хулосага келмаслик керак. Гул исини ҳидламоқчи бўлганлар унинг тикони азиятига ҳам чидашлари лозим. Мустақиллик нашидасини суриб турган кунларимизда Наманган замини остидан «қора олтин» булоғи югуриб чиқди. Бу ўзбек халқининг рисқи, насибаси. Бу бойликдан ҳам Фарғона водийси саноатчилари самарали фойдаланишни йўлга солиб юборадилар, деган тилакдамиз. Негаки, водий нефтчилиги юз йилдан ҳам ортиқ тарихга, ўзига яраша тажрибага эга.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Суратларда: Мингбулоқ кони кўзини очишда ҳисса қўшган тажрибали нефтчилар Ҳ. Давлатов (чапда) ва М. Боймирзаев.

П. АКБАРОВ олган суратлар.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ХЎП БЎЛАДИ ЖОНГА ТЕГДИ»

● Рўзномамизнинг шу йил 23 январь сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» давлат хўжалиги чорвадорлари шароитнинг ёмонлигидан қийналишаётгани, уларга маиший, савдо, тиббий хизмат кўрсатиш ночор аҳволдалиги танқид қилинганди.

Мақола юзасидан ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИдан расмий жавоб олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

— Танқидий мақолада айтилган фикрлар, муаммолар, чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» давлат хўжалиги меҳнаткашларига кўрсатилаётган маданий, маиший, савдо хизмати кўнгилдагидек эмас.

Кейинги пайтда нарх-навонинг тез-тез ўзгараётганлиги, кундалик эҳтиёж моллари-нинг норма билан белгилаб қўйилганлиги одамларга қийинчилик туғдирмоқда. Қурилиш материаллари таъминоти эътибордан четда қолган. Зарур моллар етказиб беришда узилишлар бўлиб турибди.

Давлат хўжалигида ичимлик сув муаммоси бор. Уни ҳал этиш хўжалик зиммасида эканлиги жамоага тушунтирилди. Район ҳокимлиги ва хўжалик маъмуриятига мақолада кўтарилган барча муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб, унинг бажарилишини қаттиқ назорат остига олиш топширилди.

«ТЕЛЕФОН МАШМАШАСИ»

● Шу йил 6 февралда эълон қилинган мазкур сарлавҳали мақолада Нукус шаҳрида телефон алоқасининг нобоплиги туфайли аҳоли қийналаётгани баён қилинганди. Ушбу масала юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳақида ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИдан жавоб олинди:

— Мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди. Ҳозир шаҳарда олтита АТС мавжуд бўлиб, шуларнинг учтаси — 2, 4, 5-АТСларда ўрнатилган ускуналар анча эскирган.

Аҳолига телефон хизматини яхшилаш мақсадида мазкур АТСлардаги мавжуд ускуналарни янгилари билан алмаштириш бўйича бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб чиқилди. «Узгипросвязь» олийгоҳига лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш учун буюртма берилди. Ускуналарни ўрнатиш шу йилнинг иккинчи ярмида бошланади.

6, 3, 4, 2, 7-АТС станциялари ўртасидаги алоқаларни яхшилаш учун кабель ўтказилмоқда. Яқинда ИКМ—120 ускунаси ўрнатилади. Буларнинг ҳаммаси АТСлар ўртасида сигналлар ўтишини яхшилашга ёрдам беради.

Шарофнома

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ВА АДОЛАТ

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1991 йил 6 ноябрь сонидаги «Лаббайга қодир зот» ва 26 февралдаги «Эл отаси эди» сарлавҳали мақолаларни синчиклаб ўқиб, очиғи жуда хурсанд бўлдим. Уларда Шароф Рашидовнинг ижодий хизматлари, инсонпарварлик фазилатлари тўғри, адолатли ёзилган.

Мен Шароф Рашидович билан Ўзбекистон Министрлар Совети Раиси ўринбосари ва республика Госплани раислиги вақтимда (25 йил шу вазифада ишладим) иш юзасидан тез-тез учрашиб турар эдим. Чунки у киши билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби сифатида ҳамма иқтисодий режалаштириш масалаларини маслаҳатлашиб олиб борар эдик.

Ўша даврда ҳамма иқтисодий масалалар марказлашган режа билан Москва орқали ҳал бўлар эди. Мен бир иқтисодчи олим сифатида очиқ кўнгил билан шуни айтишим керакки, Шароф Рашидович ақлли, ишчан, меҳнатсевар раҳбар эди. Масалаларни чуқур, ҳар томонлама мулоҳаза қилиб республикамиз учун фойдали эканини аниқлагач, одил ҳал қилар эдилар. Суҳбатимизда: Ўзбекистоннинг истиқболи жуда порлоқ. Чунки ажойиб, меҳнатсевар халқимиз бор. Ер ости ва ер устида бойликларимиз жуда кўп, деб қайта-қайта таъкидлардилар. Айниқса, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтиришга катта аҳамият берар эдилар. Агар маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаймаса, халқимизни қандай қилиб боқамиз, кийинтирамиз, уй-жой ва иш билан қандай таъминлаймиз, деб кўп мулоҳаза юритардилар. Саноат корхоналарига, колхоз-совхозларга, қурилиш майдонларига тез-тез борардилар. Халқ билан фикрлашиб, уларнинг иш усуллари билан танишиб, тегишли зарур ёрдам кўрсатишдан завқланардилар.

Ҳақиқий ҳаёт ва иқтисодиёт шу жойларда вужудга келади, шунинг учун ҳаёт ичида бўлиш керак. Тажрибали кишилардан кўп нарсаларни ўрганиш мумкин, деб биз, раҳбар ходимларга айтиб турардилар. Кимдаким ишлаб чиқаришдан узоқ бўлса, у ҳаётдан, иқтисодиётдан орқада қолади. Қоғозбозлик билан, қуруқ гаплар билан раҳбар обрўли бўлолмайди, дер эдилар. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз бир бўлиб, маслаҳат билан ишласак, иқтисодиётимизни комплекс ривожлантирсаккина, албатта, катта ютуқларга эришамиз. Айниқса, бизнинг шароитда саноатни тез суръатлар билан юксалтиришга ҳаракат қилишимиз лозим. Чунки биз бошқалардан орқадамиз, деб қайта-қайта айтганлари ҳамон эсимда.

Ўша даврда республикаларнинг ҳуқуқлари жуда чекланган эди. Ҳамма масалалар марказий ташкилотларда ҳал бўларди. Шунинг учун Шароф Рашидович йиллик, беш йиллик режалар лойиҳаларини тузишда ўзлари бир неча соатлаб вақтларини аямай, мутахассислар билан бафуржа кўриб чиқар, муҳим ўзгартишлар киритар эдилар.

Москвага борганимизда ҳар икки-уч кун ичида ишнинг боришини сўраб, Иттифоқ Госплани тегишли раҳбарларига қўнғироқ қилиб, масалаларни ҳал этишда бизга яқиндан ёрдам кўрсатар эдилар. Шароф Рашидович ҳаётни яхши биларди. Ўзларининг ширин сўзлиликлари ва юқори маданиятли бўлишлари билан мамлакатда катта обрўга эга раҳбарлардан саналардилар. У кишининг қўнғироқларидан сўнг бизни қабул қилган муттасаддилар кўп масалаларни тезда ҳал қилиб берардилар.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: суҳбатларимизда Шароф Рашидов ҳамиша оғир саноат орқали халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ўстира боришимиз керак, дердилар. Биз атрофимизга билимдон, тажрибали мутахассисларни тўплаб саноатни, айниқса, оғир индустрияни юксалтиришга астойдил интилганмиз. Оғир саноатнинг асосий негизи энергетика экани ҳаммага маълум. Шу боисдан илгари Усмон Юсупов Марказий Комитетга раҳбарлик қилган вақтларида ҳам бу соҳани ривожлантиришга кўп ҳаракат қилган эдилар.

Кейинги йилларда Бухоро табиий газ конларининг очилиши муносабати билан йирик электр станциялари қурилиши ҳам бошланиб кетди. Бу ишларда, айниқса, Шароф Рашидовнинг хизматлари катта бўлган. Ҳамон бир воқеа эсимда: 1961 йилда Тошкентда қудратли ГРЭСни қуриш масаласи катта тортишувларга сабаб бўлди. Чунки Иттифоқ Госпланидаги баъзи раҳбарлар бунга қарши эдилар. Шароф Рашидович илтимосига кўра, Тошкентга Москвадан йирик мутахассислар чақирилиб, Марказқўмда мажлис ўтказилди. Кўп тортишувлардан кейин масала ижобий ҳал бўлди. Қурилиш бошланиб кетди. 1965 йилда 600 минг киловатт қувватли қудратли станция электр энергия бера бошлади. Кейинроқ бу станция қуввати икки миллион киловаттга етказилди. 1965 йили эса Навоий шаҳрида яна бир катта иссиқлик станцияси қуриб битказилди.

Чорвоқ ГЭСи, Ангрен ГРЭСи, Қорақалпоғистонда Тахиатош иссиқлик электр станциялари ҳам кетма-кет фойдаланишга топширилди. Шундай қилиб, қисқа фурсатда марказлашган электр қуввати билан таъминловчи симлар Тошкент — Сирдарё — Фарғона — Андижон — Наманган — Жиззах — Самарқанд — Бухоро — Қашқадарё вилоятлари ва Тожикистонга қарашли Ленинобод, Қирғизистондаги Ўш вилояти ва Жанубий Қозоғистон ягона энергетика тизими вужудга келди. Халқ хўжалигини янада тараққий эттириш учун катта имкониятлар яратилди.

С. ЗИЕДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги.



Албатта, мен юқоридаги мулоҳазаларим билан ҳамма нарса жуда зўр бўлган, демоқчи эмасман. Қийинчиликлар, хатоларимиз, камчиликларимиз кўп бўлган. Лекин биз жумҳуриятимизни тез суръатлар билан ривожлантириб бориш, халқимизнинг турмуш ва маданий даражасини юксалтиришга Шароф Рашидов билан биргалашиб ҳаракат қилардик. Шунинг учун индустрия тараққиётида муайян ютуқларга эришилган. Энергетикани ривожлантириш ҳақидаги мулоҳазаларим шунга бир мисол.

Масалаларга адолат кўзи билан қаралса, халқимиз қилган ишлар унутилмаса, иш юритишда ҳамиша олға ҳаракат қилсак, атрофимизга тажрибали, меҳнатсевар, ҳалол хизматдошларни бирлаштира борсак, албатта, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Шароф Рашидович қурилиш ишларига жуда катта аҳамият берар эдилар. Бинокорликни материаллар зарурлигисиз тасаввур қилиш қийин. Келгусидаги ҳаёт-мамотимиз, халқнинг турмуш даражасини кўтаришимиз, капитал қурилиш ишларининг аҳволига боғлиқ деб ҳисоблардилар. Ўзлари ҳам катта қурилишларга тез-тез бориб турар, ишчи ва мутахассисларнинг эҳтиёжини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатишдан чарчамасдилар. Танқид қилиш осон. Лекин қурувчиларнинг ишига мадад бериш керак, деб айтардилар. Шунинг учун ҳам бу соҳада анчагина ўзгаришлар бўлгани табиий, албатта. Биргина Тошкентнинг ўзида ҳозир тўртта ва бошқа ҳамма вилоятларда уйсозлик комбинатлари ишлаб турибди. Улар қурилишларни тезлаштиришда, бинокорликни индустриал усулга ўтказишда катта роль ўйнаб келди, ўйнамоқда.

Ўзбекистонда тўқимачилик, пойабзал, трикотаж буюмлар, гилам тўқиш корхоналари, чинни заводлари қурилиб, маҳсулот бера бошлади. Рўзғорга зарур чинни буюмлар чиқарадиган заводлар Тошкентда (1966 — 1970 йиллар), Самарқандда (1971 — 1975 йиллар) ва Қувасойда (1976 — 1980) йиллар) ишга туширилди. Бу корхоналарда чиқариладиган маҳсулотлар кўпайиб ва сифати яхшиланиб борди. Иттифоқ Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Тошкентга келганда Шароф Рашидов у киши билан маслаҳатлашиб, чинни заводлари қурилиши зарур эканлигини айтгани кечагидек ёдимда. А. Н. Косигин СССР Госпланига тегишли кўрсатма бергач, қисқа фурсат ичида бояги корхоналар қурилиши учун капитал маблағлар ажратилди.

Албатта, марказда режалаштириш жуда авж олган давр — ҳар бир корхонани қуриш, кенгайтириш учун, янги техника билан жиҳозлаш учун капитал маблағ Иттифоқдан олинарди. Уни олиш учун бир қанча ҳисобкитоблар билан исботлаш керак эди. Қуриш ишга тушириш учун озмунча ҳаракат ва меҳнат сарф бўлган эмас. Бу ишда жумҳуриятимизда яшовчи халқлар, шу жумладан мутахассисларнинг, республика раҳбарлари ва Шароф Рашидовнинг хизматлари билиниб турар эди.

Ҳаммага маълумки, илгари бизда саноат жуда заиф аҳволда эди. Шунинг учун бу давр — енгил саноатнинг оёққа туриш даври эди, десак янглишмаймиз. Албатта, қийинчиликлар, етишмовчиликлар оз эмас эди. Лекин халқимизни тўлароқ таъминлаш вазифасини ҳал этиш учун саноати ўсган бошқа ўлкаларга тезроқ етиб олиш ҳаракати ва интилишлар бўлган.

Биргина саноат ва қишлоқ хўжалигида эмас, халқ хўжалигининг ҳамма соҳасини компекс равишда ўстиришга Шароф Рашидович раҳбарлигида ҳаракат қилинар эди.

Бир куни мен Москвадан телефон қилиб, Шароф Рашидовичга Иттифоқ Госпланида Тошкентда метро қуришга қаршилик билдиришяпти, дедим. Шунда мени телефонда куттириб қўйиб, «ВЧ» телефонда А. Н. Косигин билан сўзлашдилар ва эртага соат ўн бирда ёнларига боринг, дедилар. Мен ўша айтилган вақтда кирдим. Метронинг ҳар километри қанча туради? Ер қимирласа, сейсмика нима бўлади, унга қандай чоралар бор? Пулни қаердан оласиз? Қайси ташкилот қуради? каби кўп саволлар берилди. Мен ҳаммасига жавоб қайтардим. Сўнгра метро қурилишининг биринчи бошланиши йили жумҳурият бюджетидан пул берилди. Кейин марказдан капитал маблағ ажратилиб, Москвадан қурувчи, тажрибали мутахассислар келиб, иш бошланиб кетди. 1960 йилда Тошкентда бир миллионга яқин аҳоли бор эди. Ҳозир 2 миллиондан кўп. Агар метро бўлмаса, қандай қийинчиликлар юз берар эди?

Шароф Рашидовичнинг Иттифоқ ташкилотларида обрўси баланд эди. Масалан, Иттифоқ Госплани раиси Н. Байбаков билан суҳбатлашганимда у Шароф Рашидовични маданий ва иш биладиган раҳбар, деб айтарди.

Дарҳақиқат Шароф Рашидович аралашиб ҳал бўлган масалалар жуда кўп: Тошкентда янги аэропорт қуриш, Халқлар дўстлиги саройи, Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Термизга борадиган автомобиль йўли ва бошқалар.

Шароф Рашидович 20 йилдан кўпроқ республикамизнинг биринчи раҳбари бўлиб ишладилар. Бизлар улар атрофида меҳнат қилиб, кўп нарсада ибрат олардик. Ҳеч қачон, энг оғир вақтларда ҳам бирортамизга қаттиқ гапирмасдан, бақирмасдан, ҳеч қачон ҳақорат қилмасдан, ўз фикрларини ширин сўз билан изҳор қилардилар. Топшириқларини вақти билан сўраб, назорат қилиб турар эдилар. Бундай одамийлик, муомала бизни руҳлантирар эди.

Бир куни кабинетда иш устида суҳбатлашиб ўтирганимизда, ўзбек халқи доно мақолларини келтириб айтдиларки, «Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил». Яъни биз билан суҳбатлашувчининг фикрларига қулоқ солиш керак. Раҳбар бўлиб, ҳамма нарсани ўзим яхши биламан, дейиш нотўғри, Суҳбат қилаётган одамга ўргатиш эмас, балки ундан ўрганиш ҳам керак, дўстим, дердилар.

Яна бир мисол. Госплан раислигида ишлаб юрганимда, Марказий Комитет иккинчи котиби Ф. Е. Титов билан нари-бери сўзга боришиб қолдик. У мени ноҳақ анчагина хафа қилди. Ўша вақтда катта ўғлим Озодни 1967 йил май ойида уйлантириш учун боғ ҳовлида тўй қилдим. Шунга ҳамма раҳбарлар — Шароф Рашидович ва Министрлар Совети Раиси Р. Қ. Қурбонов билан келишди. Шароф Рашидович ўз сўзларида тахминан шундай дедилар: «Ўзбек халқида ажойиб мақол бор — «Мевали дарахтга тош отилади». Саидкаримович шундай мевали дарахтки, баъзилар уларга тош отдилар. Лекин у тош отган одамларнинг ўзига келиб тегди... Мен хурсандлигимдан кўзимга ёш келиб, раҳматлар айтдим.

Бундай раҳбарни ҳурмат қилмай бўладими? Госплан раислигидан академияга келиб, 1974 йилдан бир кичкина ташкилотда (СОПС — ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш) раис бўлиб ишладим. Унда 20 кишигина ишларди, холос. Баъзи масалаларда маслаҳат сўраб у кишига телефон қилар эдим. Агар жуда банд бўлсалар, телефонни секретар ёки ёрдамчи оларди-да, албатта айтамиз, дер эди. Бир озгина вақт ўтгач, ўзлари телефон қилиб, дўстим, эшитаман, деб айтардилар ва ишимизга ёрдам берар эдилар. Муомалалари эса ўша илгаригидек бўлар эди. Шунинг учун кучимга-куч қўшилиб завқ билан меҳнат қилар эдим. СОПС тез фурсат ичида илмий институтлар қаторига кириб олди, жамоа 135 кишига етди, аспирантура очилди, докторликни ёқлайдиган махсус кенгаш тузилди. Илмий ишларни ҳам авж олдириб, катта муаммолар устида ишлай бошладик.

Марказий Комитетда катта мажлис бўлиб қолди. Мен йўлакдан энди ичкарига кириб келаётган эдим, — Шароф Рашидович орқадан келиб қўлимни сиқиб: Сиз Москвадан яхши иш олиб келибсиз, СОПСнинг жамоасини икки баравар кўпайтириб, биринчи категорияга ўтказибсиз. Чин юракдан табриклайман, деб кўнглимни кўтардилар.

Шундан хулоса чиқариб айтишим керакки, ҳар қандай республикага фойдали иш бўлса — каттами, кичикми — улар хурсанд бўлар эдилар. Бу — ҳақиқий ватанпарварлик фазилати.

Ҳурматли Шароф Рашидовичнинг инсонпарварлиги тўғрисида яна бир мисолни келтирмоқчиман. 1983 йил 15 октябрь азонда уйимизга тўғилган куним билан табриклаш учун бир неча дўстлар Хоразмдан самолётда учиб келишиб (1944 — 1946 йиллар Хоразм облиҳрқўми раис ўринбосари бўлиб ишлаганман) эндигина сўзлаша бошлагандик. Шу вақтда Самарқанддан телефон бўлиб қолди. Телефонда Шароф Рашидович (пахта тайёрлаш вақтида Самарқанддан Бухорога кета туриб) туғилган куним билан (Госпландан кетганимга тўққиз йил ўтган бўлса ҳам) қизғин табриклаб, яхши тилаклар айтдилар ва охирида узоқ йиллар давомида меҳнатим учун «Халқлар дўстлиги» ордени билан мукофотланганим ҳақидаги хабарни айтиб, хурсанд қилдилар. Ёнимда ҳаяжонда ўтирган оилам ва дўстларим ҳам бу хушхабарни эшитиб хурсанд бўлишди.

Мен халқимиз севган бу доно кишини адолатли раҳбар, дегим келади.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Шароф Рашидовичнинг узоқ йиллар давомида қилган ҳалол ва унумли меҳнатлари қадрига етиб, ўз сўзларида ҳурмат билан эсга олмоқдалар. Бу ҳол Шароф Рашидов билан бирга ишлаган дўстларни беиҳтиёр хурсанд қилмоқда.

«Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди», деган халқ мақоли жуда тўғри эканининг яна бир тасдиғи бу.

ТАЛАБАЛАР МИННАТДОР

Мустақил республикамиз келажаги ёшларга боғлиқ. Ҳозирги даврнинг режаси малакали мутахассислар тайёрлаш билан бирга, ишнинг кўзини биладиган, ўта тадбиркор кадрларни етиштиришни ҳам тақозо қилади. Бунинг учун эса талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқ керак.

Шу жиҳатдан ёндашганда Низомий номли Тошкент давлат олий илмгоҳида таълим олаётган йигит ва қизларга иложи борича моддий ёрдам кўрсатиб, баҳоли қудрат қулай шароитлар яратилмоқда. Масалан, яқинда ректорат ташаббуси билан талабалар учун икки юз ўринли янги ошхона фойдаланишга топширилди. Яна қўшимча бир юз йигирма ўринли шийпонли ошхона, битта новвойхона, учта гуммахона (пирожкахона) қуриб берилди.

Талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан ҳам ректорат хайрли ишларни бошқармоқда. Чунончи, оилавий шароити оғир бўлган талабаларга қўшимча стипендиялар берила бошланди. Талабаларнинг ўртача бир ойлик даромади 350 сўмдан 575 сўмгача етди.

Ёшларнинг дам олишларига мўлжалланган маданий марказ ишлари ҳам қувонарлидир. Байрам кечалари, адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Яқинда шундай тадбирларда ёзувчилардан Жўманиёз Жабборов, Ўткир Ҳошимов иштирок этишди. Бундай учрашувлардан талабалар мамнун.

А. РАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

МУРУВВАТ

Биз тиббий муассасаларга кўрсатилаётган хайрия ёрдамидан беҳад миннатдормиз. Бундай олижаноб меҳр-мурувват туфайли қанчадан-қанча беморнинг дардига малҳам бўлинмоқда.

Кейинги вақтда район тиббий шохобчаларига Германиядан олинган ўн минг дона бир марта фойдаланиладиган шприцлар тарқатилди. Даволаш муассасаларининг моддий базаси янги асбоб-анжомлар билан бойиди. Шунингдек, Туркия, Япония, Голландиядан маълум миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари олинди. Булар болалар даволаш муассасаларига, кўп болали оилаларга, бева-бечораларга тақсимланди.

Шуниси эътиборга лойиқки, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти хорижий мамлакатлардан келаётган хайрия ёрдамларини вилоятлар район ва шаҳарларнинг тиббий муассасаларига етказиб беришда уюшқоқлик кўрсатмоқдалар.

Меҳр-мурувват — бу олижаноблик. Шифокорларимиз жумҳуриятимиз Президенти И. Каримов тутган йўлни қўллаб-қувватлайдилар. Барча қатори тиббий ходимларнинг ҳам ойлик иш ҳақи 1,7 баравар кўтарилганлиги жамоамизнинг ғайратини янада ошириб юборди.

Н. РАҲИМОВ.
Янгийўл район соғлиқни сақлаш бўлимининг бош шифокори.

САТРЛАРИ ЁЗИЛСАЙДИ ЧЎЛПОННИНГ...

Чўлпон, Фитрат, Мунаввар қори, Усмон Носир... Кейинги йилларда бу табаррук сиймоларнинг номлари ҳар биримиз учун янада қадрли бўлиб бораётгани бежиз эмас. Қадриятларимиз тикланиб, бу азиз алломаларнинг юрт учун, миллат учун ўз жонларини фидо этганликлари ҳақида тўлибтошиб гапиряпмиз. Кунимекча ўзбек шоири Чўлпон туғилган куннинг 95 йиллигига бағишланган илмий анжуманда ҳам худди шу фикрлар қизил ип бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт институти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Иброҳим Искандаров кириш сўзида асримиз бошларида яшаб ижод этган алломалар фаолияти ҳақида атрофлича тўхталди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси Салоҳиддин Мамажонов, филология фанлари доктори Эрик Каримов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжонов, филология фанлари доктори Нинель Владимирова Чўлпон фаолияти ва ижоди ҳақида маъруза қилдилар.

Кекса педагог, Чўлпоннинг замондоши Ғуломқодир Норхўжаевнинг шоир ижоди ва ҳали эълон этилмаган шеърлари хусусидаги мулоҳазалари кўпчиликни мамнун этди.

Таниқли адабиётшунос олим Иззат Султон, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Гулчеҳра Нуруллаева, филология фанлари номзодлари Наим Каримов, Иброҳим Ҳаққулов ва бошқалар аллома ҳақидаги дил сўзларини айтдилар.

Анжуманда иштирок этган шоир Тўлан Низом «Чўлпон» достонидан парчалар ўқиди. Шоир Азим Суюннинг шеъри ҳам Чўлпон замондошларига бағишланган.

Чўлпон ижоди ҳақида бевосита тўхталаркан адибларнинг бири «Жадидлар қўлидан тушиб қолган байроқни биз баланд кўтаришимиз керак», дея баралла айтди. Шоира Гулчеҳра Нуруллаеванинг фикрича, шоир Чўлпоннинг ўлмас сатрлари республикамиз хиёбонлари ва кўчаларидан жой олишининг пайти келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси Бахтиёр Назаров, Алишер Навоий номидаги адабиёт институти директори Тўра Мирзаев қадриятларимиз тикланаётганлиги ва бу борада анжуманлар ўтказилаётганлигига шукроналар тилади.

Чўлпонхонлик давом этади.

М. ПИРМАТОВ.

ЙИРИК ТАДҚИҚОТЧИ

• ФАНИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ •

Садриддин Ҳўжаевич Йўлдошевни ҳамкасблари, шогирдлари «Фан фидойиси», дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Зеро, Садриддин ака 55 йилдирки, фан учун хизмат қилади. 75 ёшга тўлган олим педагогик ва жамоатчилик фаолиятида қатнашиб келаётир.

Йирик олим сифатида С. Йўлдошев ўз ҳаёти ва фаолиятини фақат фан ривожи ва педагогикага бағишлабгина қолмай, йирик ташкилотчи сифатида ҳам танилди.

Садриддин Йўлдошев ҳаётига назар солар эканмиз, унинг бутун ҳаёти ҳақиқий маънода фанга бағишланганининг гувоҳи бўламиз. У 1917 йилда Тошкентда туғилди. Тошкентдаги режа-иқтисодиёт техникумини 1934 йилда муваффақиятли тугатди. Кейинчалик Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Тошкент Давлат дорилфунуни)нинг биология-тупроқшунослик факультетини битирди. Ўша талабалик йилларидаёқ саводсизликни тугатиш курсларида дарс берди. Ўзининг мураббийлик ва илмий фаолиятини эса Тошкент давлат педагогика институтининг ботаника кафедрасида ассистентликдан бошлади.

Академик С. Йўлдошев фақат мамлакат илмий жамоатчилиги ўртасида эмас, балки чет элларда ҳам тан олинган олимлардан бири. Унинг тадқиқотлари асосан пахтачиликнинг турли масалаларига бағишланган муаммоларни назарий жиҳатдан асослаш, айниқса, ғўзанинг касалликларга чалиниши сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлларини қидиришга бағишланган. У ўзининг шогирдлари билан ғўза навларининг турли касалликларга чидамлилигини ҳар томонлама ўрганиб, турли тупроқ-гидрогеология шароитида синаб кўрди, озиқлантириш, суғориш технологиясини ишлаб чиқди. Айниқса, ғўза зичлиги, ўсимликнинг жойлашиши ва бошқа омиллар, шунингдек, ҳосилдорлик, уни механизациялаштирилган усулда йиғиштириб олиш йўлларини ўрганди. Пахта ўсимлигининг морфологияси, анатомияси ва физиологиясини ҳар томонлама ўрганиб борар экан, уларнинг касалликларга чидамлилигини ошириб борди. Назарий жиҳатдан ва тажрибада пахтачиликда мақбул бўлмаган бу касалликларни бартараф этиш, ҳосилдорликни кескин ошириш йўлларини излади.

1969—1972 йилларда академик С. Х. Йўлдошев ғўзанинг Тошкент гуруҳига мансуб бўлган вильтга чидамли навлари технологиясини ишлаб чиқди. Шу боис олийгоҳнинг илмий кенгаши қарори билан ғўзанинг «Тошкент—2» ва «Тошкент—3» навларининг ҳаммуаллифларидан бири, деб тан олинди. Дарвоқе, Тошкент гуруҳидаги навларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда С. Йўлдошев Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси илмгоҳининг директори сифатида катта иш қилди. Ғўзанинг бу навлари ҳосилдорликни кескин оширишда катта хизмат қилди ва узоқ вақт давомида кенг майдонларга экилди. Шу билан бирга Тошкент гуруҳига кирувчи навларни яратиш усули селекция йўналишидаги илмий-тадқиқот муассасаларида методологик қўлланма сифатида иш берди. Ҳозирги пайтда ана шу усулларни қўлланиш оқибатида ғўзанинг кўплаб истиқболли навлари яратилди.

Йирик илмий ташкилотларнинг раҳбари сифатида Садриддин Ҳўжаевич ўзи бошчилигидаги лабораторияларда илмий-тадқиқотларни ривожлантиришга катта эътибор берди. Ғўза ўстириш технологиясини такомиллаштириш, янги, сифатли навларни яратиш, айниқса, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли, эртапишар, тупроқнинг сув ва шамол эрозиясига бардошли навлар яратиш борасида муҳим ишларни амалга оширмоқда. Туз қоплаган ерларни мелиорациялаш, ғўзага ишлов беришни тўғри ташкил этиш ва уни озиқлантириш, пахтачиликни комплекс механизациялаш сингари ишлар ҳам шулар жумласига киради. У қишлоқ хўжалиги ва биология фанининг бошқа соҳаларида ҳам ҳалол меҳнат қилди.

Кўп йиллар мобайнида раҳбарлик лавозимида ишлаган олим фақат илмий-тадқиқотларни тараққий эттиришга эмас, балки илмий бўлинмаларнинг ташкил этилишига ҳам катта ёрдам берди. Унинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан Ўсимликлар эксперементал биологияси институти тараққиёт босқичига чиқди. Бу ерда оқпалакка қарши курашувчи лаборатория билан биргаликда генетика, физиология, биохимия, химиявий ҳимоя воситалари, стимуляция бўлимлари ишлаб турибди. Айниқса, ўсимликни дефолиация ва десикация қилиш лабораторияси фаолияти таҳсинга сазовор. Йирик олим Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтидаги ишларни ҳам юксак савияга етказди. У республика Фанлар академияси биология фанлари бўлимининг академик-котиби сифатида биология фанининг ривожланишига бағишланган бирмунча ишларни амалга оширди.

Олим юксак малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам катта эътибор бермоқда. Бевосита раҳбар сифатида у кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланишида аспирант ва изланувчиларга ёрдам қўлини чўзди. Унинг раҳбарлигида йигирмадан зиёд олим докторлик ва номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилишди. Шуниси қувончлики, уларнинг кўпи пахтачилик йўналишида ва ғўза ўстириш технологияси соҳасида муваффақиятли ишламоқдалар. Академик томонидан 200 та илмий иш, жумладан бешта монография эълон қилинди.

Фанни ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги хизматлари учун академик С. Х. Йўлдошев Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар Дўстлиги, «Ҳурмат Белгиси» орденларига сазовор бўлди.

Юксак маданиятли, истеъдодли олим ва раҳбар сифатида у ўз билимини ёшларга сабот билан ўргатмоқда.

Олим айни чоғда «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятида ҳам фаол қатнашмоқда. Шунингдек, янги ташкил этилган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг кундалик фаолиятида иштирок этмоқда.

А. ИМОМАЛИЕВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг президенти.

АХБОРОТ

ОЗОДАЛИК — МАҲАЛЛА КЎРКИ

● Пискент райони кўчаларида бундан кейин ахлат-чиқиндилар у ер-бу ерда тўдаланиб ётмайди. Чунки район ҳокимияти шу ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот раҳбарлари билан юқоридаги масала юзасидан учрашувда шундай қарорга келдилар.

Ҳамма нарса озодаликдан, деганларидек, О. Юсупов район ҳокими ўринбосарлигига тайинлангач, ишни ана шу хайрли ишдан бошлади. Мактаб, боғча, шифохона ва маҳаллаларда район ободончилиги йўлида қатор тадбирлар амалга оширилди. Мактаб, боғчаларда ота-оналар билан учрашувлар ўтказилиб, кўча ва хиёбонлар тозалиги барчага дахлдор масала эканлиги уқтирилди.

СОЯДАН БЕШ ХИЛ МАҲСУЛОТ

● Тошкент вилоятида қўшма корхоналар сони кўпайиб бормоқда. Ҳар икки томонлама манфаатдорлик асосида ташкил этилаётган бундай корхоналар халқ истеъмоли молларини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўрта Чирчиқ районида бир неча йилдан буён чорва озуқаси сифатида жуда оз миқдорда соя ўсимлиги экиб келинарди. Лекин Шимолий Кореянинг «Ренаксан» фирмаси мутахассислари соядан кондитер маҳсулотларида фойдаланиш мумкинлигини исботлаб бердилар. Фирма райондаги «Северний маяк» жамоа хўжалиги билан шундай корхона очиш юзасидан келишиб олди. Эндиликда хўжалик ерларида кўплаб соя ўсимлиги етиштирилади. Уруғ ҳосилни ишлаб чиқариш учун дастгоҳларни кореялик ишбилармонлар етказиб берадилар.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Абу Райҳон Беруний

ТАРВИҲАЛАР

(«ЖАВОҲИР КИТОБИ»ДАН)

13.

Инсоннинг ўзига келсак, унга энг яқини ўз нафси кўнгли саналади, инсон ўзига яхшиликни исташда ҳаммадан ҳам ўзи пешқадамлик қилади. Кишининг ўз нафсидан кейингиси эса унга энг яқин ва унинг теварагини ўраб олганлар бўлади. Инсонга шундай энг яқин нарса унинг баданларини ўраб олган, терисига тегиб турадиган либослар саналади. Шу билан бирга уни ўраб олган энг яқин нарсалардан бири унинг уйи, ҳожатини чиқариб турадиган хизматкори, идиш ва асбобларда сақланиб турадиган, ейиладиган ва ичиладиган нарсалар саналади.

Аммо кўринишда гўзаллик ва хушбичимлилик ҳам инсонлар наздида маҳбуб саналади. Инсонлар ўзлари учрашадиган шахсларда шундай ҳолат—хушрўйлик ва хушбичимлиликни кўришни истайди. Ҳатто бошқа мамлакатларга элчи сифатида одам юборилмоқчи бўлинса, хушрўй ва хушбичимларни ва исмлари яхши бўлган кишиларни юбориш талаб қилинган. Борди-ю элчи қилиб юбориладиган одамлар номлари, жой ё тоғ номлари* яхши ва чиройли бўлмаса, у ҳолда улар номлари ўрнига чиройли номлар танланиб, алмаштирилган. Лекин шуниси ҳам борки, кўринишдаги ҳусн — суврат кишига она қорнида ато қилинади, буни ўзгартиришга бандаларнинг ҳеч бирида бирорта имкон йўқ.

1. Бу ерда одамлар номи ва улар исмига қўшилиб айтиладиган жой номлари ҳам гўзал, ёқимли бўлиши назарда тутилган.

2. Ҳалифа Алининг жияни, сахийлик билан ном чиқарганлардан, тахминан 700-йилларда вафот этган.

3. Исломгача бўлган араб ҳукмдорларидан.

14.

Аммо инсондаги ҳулқ-атвор ва ҳаёт тарзига келганда шуни айтиш керакки, инсон ўз иродасига эга бўлади. Бунда ўша шахс ўз нафсини (кўнглини) нима билан тозаласа, уни руҳоний табобат билан даволай олса ва ахлоқ китобида айтиб ўтилган йўл-йўриқлар билан аста-секин ундаги дардлардан фориғ этса, бундай инсон мазаммат қилинадиган томонларини мақталадиган томонларга алмаштиришга ҳам қодирдир.

* * *

Инсоннинг баданида дастлаб кўзи тушадиган нарса унинг териси ва юз кўриниши—ташқи қиёфасидир. Агарда инсон ўз суврати-ни ўзгартиришга ожиз бўлса ҳам, ҳар ҳолда у ҳеч маҳал ўз терисини тоза сақлашга ожизлик қилмаслиги керак.

Инсон тозалиги асосан сувда ювиниш билан бўлади. Сувнинг ҳиди ва таровати билан ҳавонинг ажиб саси келади ва бу билан эса ҳаёт таъми билинади. Ҳар қандай бадбашара, хунук ва бадҳид бўлган ифлосликни сувчалик тозалайдиган нарса бўлмайди: сув бўлмаган тақдирда унинг ўрнига ўтадиган, унга ўхшаш нарса бўлиши керак. Бунда шариат қонунлари таъқиқлаган бўлсаям, лекин ўз ёзли табиатидан сув хизматини бажарадиган бошқа сувлар ҳам покиза сув ўрнига ўтаверади. Машҳур араб эрлари ва аёлларининг ўз қизларига қилган насиҳатлари ҳам сувга бориб тақалади ва шу ўртада айланиб юради.

Абдуллох ибн Жаъфар* ўз қизини куёвга узата туриб бундай деган:

«Рашкдан эҳтиёт бўл, чунки рашк — талоқ калити ҳисобланади. Менинг сенга насиҳатим, эрингга кўп таъна қилаверма, чунки таъна нафратни келтириб чиқаради. Сен

15.

ўзингга зеб беришинг керак, бунинг энг яхшиси сурма бўлади, ўзингни поклаб юришинг керак, поклайдиган нарсаларнинг энг яхшиси сув бўлади».

Омир ибн аз-Зариб ал-Адвоний* ўз қизини биродарининг ўғлига узатаётиб, қизининг онаси — хотинига бундай деган: «Қизингга буюр, сафарга чиқса, ҳеч маҳал сувсиз чиқмасин, чунки сув баданни юқори қисмни гўзал, паст қисмини тоза қиладиган нарса. Қизинг ҳеч маҳал эри раъйига қаршилик қилмасин, чунки бахт саодат ҳамжиҳатликда бўлади».

Бир аёл деган: «Эринг сўзини иккита қилма, бу билан ҳафсаласини пир қиласан: унга ҳадеб ҳарҳаша қилаверма, ўзингдан эрни совутасан. У билан муносабатда бўлганда ҳар қачон ҳам самимий ва садоқатли бўл, ҳар доим сув билан ўзингни тозалаб юр».

Чиндан ҳам аслида омади гап шундай. Аммо баданни ўраб турган нарсага келсак, уларнинг энг аввалоси инсонга энг зарурийси кийим-бошдир. Чунки кийим дастлаб баданга ёпишиб турадиган нарса бўлиб, ўз навбатида баданни тоза тутиб туришга хизмат қилиши керак. Унинг ранги одми ва мақтовга сазовор бўлиши керак, бу эса оқ бўлиши керак, деган гап. Кийим силлиқ бўлиши керак, шундай бўлса унга чанг-ғубор ва қурум юқмайди. Ё мавсумга, ё маълум мамлакатда яшайдиган одамлар одатига кўра бўялган бўлиши керак. Шундай қилинган тақдирда офатлар ўртадан кўтарилган бўлади. Яна кийимлар зийнат учун тақиладиган жавоҳирларга ўхшаб бўялган бўлиши ҳам мумкин.

Раҳматлик Умар ибн ал-Ҳаттобдан, «Мурувват нима» деб сўрашганда, у «эзгу бошдаги тозалик» деб жавоб берган экан. Худди шунга ўхшаш гапни яна бошқа кимдир айтган экан: «Мурувватнинг кўзга кўринадигани пок кийинишида». Бу шундайки, кимки ўз кийимини тоза тутмоқчи бўлса, у дастлаб бу ишни ўз баданидан бошлайди. Шу тариқа у кийимининг ички томонини ифлосликдан асрайди ва баданини нажаслардан сақлашга интилади, сиртдан шу билан у бунга одатланиб, уйи ва йиғинадиган жойга эътибор бериб, у ерни ифлос қилмасликка интилади, сиртдан қараганда кўзга чалинадиган даражада чанг-чунг бўлишига йўл қўймайдиган бўлади. Бунда барча нарсаларда мурод-мақсад тоза кийим воситаси билан амалга ошади.

(Давоми бор).

Қорақалпоғистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг «Мухаллес» дуторчилар дастаси ўзининг оригинал репертуари ва ижрочилиги билан санъат мухлислари даврасида танилган. Ижодий жамоага жумҳуриятнинг моҳир халқ бахшиларидан бири Ганжебой Тлемуратов раҳбарлик қилади.

Суратда: «Мухаллес» дастаси.

Б. АЛЛАШЕВ олган сурат.

СПОРТ

МУСТАҚИЛ ДОНА СУРИШ

● ТОШКЕНТДА Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

Маълумки, Моровроуннаҳр қадимий спорт ўйинларидан ҳисобланган шахматнинг ватани экани илмий асосланган. Икки дарё оралиғида истиқомат қилган Турон халқлари шатранж баҳсини севганлар ва дона суриб, жаҳоннинг турли давлатлари билан ўзаро маданий муомалада бўлишган. Мустақиллик шамоли эсаётган бугунги Ўзбекистонда шахматни янада ривожлантириш, оммавийлигини, таъминлаш, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш муҳим муаммолардан бирига айланган. Энди истиқлол Ўзбекистонда мустақил дона суриб, шатранж бобида дунё миқёсида нуфузимизни оширишимиз зарур.

Шахмат-шашка клубида бўлиб ўтган республика шахмат федерациясининг таъсис мажлисида ана шундай муаммолар ўртага ташланди. Йиғилишда республиканинг етакчи шахматчи ва мутахассислари иштирок этишди. Шахмат уюшмасини қайта тиклаш ва унинг президентини сайлаб, халқаро шахмат федерациясига ҳужжатларни топшириш ва унга ҳақиқий аъзоликка тайёр бўлиб туриш вазифа эканлиги таъкидланди. Зеро, бундай нуфузли уюшмага аъзо бўлиш ўзича бўлмайди. Йилига 3 минг доллар ҳисобида аъзолик бадаллари тўлаб турилади. Демак, Ўзбекистонда шахмат ишларини тўғри йўлга қўйиш, катта-кичик мусобақалар уюштириш ва халқаро майдонга чиқиш учун иқтисодий жиҳатдан кўмак берувчи ҳомийлар зарур бўлади.

— Республикамиз шахматининг иқтисодий ва ташкилий томонларини бизга қўйиб беринг,—дейди таъсис йиғилишида бир овоздан Ўзбекистон шахмат Федерацияси президентлигига сайланган Аҳмаджон Эркабоев. — Шахмат ватани ҳисобланган диёримизда мустақил дона суриш учун барча шарт-шароитларни ўрганиб, йигит-қизларимизни халқаро миқёсдаги йирик мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашларига имкониятлар яратамиз.

Таъсис йиғилишида республиканинг таниқли шахмат устаси, шатранж ривожига катта ҳисса қўшган Мамажон Муҳиддинов билан спорт устаси Сергей Пинчук вице-президент этиб сайланди.

М. АНВАРОВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

БИККС

Мармар кошоналар ҳашамати сизга ҳам муносиб!

"ЭКОГРАН" янги пардозлаш материали — бу мармарнинг серҳашам кўрки-ю айтарлича арзон нархининг ноёб уйғунлигидир.

"БИККС" ассоциацияси тавсия этаётган "ЭКОГРАН" ксилолит кошинлари экологик соф магнезиал цемент ва бишофит асосида тайёрланган.

Намликни ўзига тортиб оладиган, алангаланмайдиган бу хилдаги кошинлардан ички ва ташқи пардозлаш ишларида бирдай фойдаланиш мумкин булиб, улар билан ишлаш осон ва қулайдир.

"БИККС" ассоциацияси мармар, малахит ва бошқа ярқирама рангдор тошларнинг энг сара жинсларига тенглаша оладиган, хилма-хил ўлчам ва ранглардаги "ЭКОГРАН" пардозлаш материалини тавсия этади.

ШОШИЛИНГ! МАРМАР СИРА ТАОМИЛДАН ТУШМАЙДИ!

Манзилимиз: 700146, Тошкент шаҳри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

" АЛИНА" кичик жорий этиш корхонаси.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 90-94-85, 98-64-53, 68-70-35.

" САРБОН" Ўзбекистон реклама агентлиги.

БИККС

Агарда Сиз нозиктаъб, диди баланд, сердавлат соҳиб бўлсангиз-у идорангиз ёки хизмат бинонгиз таъмирталаб бўлиб қолган бўлса, - демак Сиз бизга мижоз экансиз!

"БИККС" ассоциацияси инсоф доирасидаги ҳақ эвазига бинонинг қулай ва шинамлигини таъминлашни ҳамда хоналарнинг бетакрор ички жиҳозланишини ўз зиммасига олади.

Фақат "БИККС"гина Сизларни тўлиқ жамланган терма ҳолидаги куйидаги манзарали пардозлаш элементлари /айтилган жойга элтиб бериш ва ўрнатиш билан/ билан таъминлай олади:

зарҳал ва оқ тусли алюминийдан ясалган осма шифтлар;

ранги, ўлчамлари ва услуби жиҳатидан ҳар хил, фақат юксак сифати-ю бирмунча арзон нархи умумий булган девор панеллари;

чет элда ишланган "коврлан" туридаги гиламсимон қоплама ва пол учун қоплама;

ансамблга бетакрор ёруғлик самарасини бахш этувчи ўзига хос ёритгичлар.

Ҳузуримизга шошилинг: хизмат жойингизнинг қулай ва шинамлиги ҳамда кўркамлиги - бетакрор иш услубининг гаровидир.

ЯХШИ ЖИХОЗЛАНГАН ХОНА – АЪЛО КАЙФИЯТ – АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР!

Манзилимиз: 700146, Тошкент шаҳри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча. "АЛИНА" кичик жорий этиш корхонаси. Тошкентдаги телефонлар: 90-94-85, 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

"САРБОН" Ўзбекистон реклама агентлиги.

«ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ» — «ГОВОРИТ И ПОКАЗЫВАЕТ ТАШКЕНТ» ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Радиотелепрограммаларни нашр этиш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг анчагина ортганлиги муносабати билан «ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ» — «ГОВОРИТ И ПОКАЗЫВАЕТ ТАШКЕНТ» ҳафтаномаларига:

— январь, февраль ойларидан бошлаб обуна бўлганларга шу йилнинг 1 МАЙИГАЧА;

— март, апрель, ойларидан бошлаб обуна бўлганларга шу йилнинг 1 ИЮНИГАЧА;

— май ойидан обуна бўлганларга эса 1 АВГУСТГА қадар етказиб берилади.

Кўп сонли телетомошабин ва радиотингловчиларнинг илтимосларига биноан шу йилнинг 1 июлидан бошлаб ҳамма жойда ҳафтаномага янгидан обуна қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:
1 ойга — 4 сўм;
3 ойга — 12 сўм;
6 ойга — 24 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ: «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» — 75490. «Говорит и показывает Ташкент» — 75491.

Ҳафтанома таҳририяти.
Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Республика матбуот тарқатиш маркази

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмгоҳи раҳбарияти ва жамоаси бўлим мудири, профессор Ф. Н. Нуритдиновага акаси

Зайниддин Нуритдинович КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрокимё илмгоҳи жамоаси кекса тупроқшунос

Ҳайдар Абдуллаевич АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ТИББИЁТДА ЯНГИЛИК

Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳрида Америка-Австрия ва Совет қўшма тиббий бирлашмаси корхонаси «СВЕНАС» электропунктур орқали этиологик (сабаби) касалликни аниқлаш ва биологик актив суюқлик билан даволаш марказини ташкил қилди.

Бу усулга Америка-Австрия ва Совет олимлари асос солдилар. Марказ шу йўл билан одам организмидаги ички аъзоларининг функционал ҳолати биоэнергиясини ўлчайди ва ҳамма касалликларни, ҳатто киши ўзи билмаган касаллик ва бошқа ахборотларнинг этиологик сабабини 40—60 дақиқада аниқлаб беради.

Ускуна эса биологик актив суюқлик тайёрлаб беради. Суюқлик таркибида гомеопатик, аллопатив ва бошқа биологик моддалар, гиёҳлар бўлиб, бутун дунёга машҳур француз табиби Шаарет усулига асосланган.

Биологик суюқликни ўзингиз билан олиб кетиш учун 0,5—1 литрли ҳажмдаги термос олиб келинг.

ХАСТАЛАНДИМ ДЕБ АФСУСЛАНМАНГ, КЕЛИНГ ДАРДИНГИЗГА ДАВО БЎЛАЙЛИК!

Бизнинг манзилгоҳимиз: Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 35-уй. Пахта тозалаш заводининг даволаш бўлими.

Телефон: 2-38-86, 2-26-89.

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ ТОЗА СУВ ИЧИНГ!

А С А Т

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАЁТГАН СУВИМИЗНИ МИНЕРАЛ ТУЗЛАР ВА ОРГАНИК БИРИКМАЛАР (ФАНОЛ, ПЕСТИЦИДЛАР, ГЕРБИЦИДЛАР, ХЛОР ВА БОШҚАЛАР)ДАН ТОЗАЛАШНИНГ МАБЛАҒ ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИГАН УСУЛИНИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Уйдаги совутгич музхонасининг ҳажмига қараб бир ёки бир нечта идишга, яхшироғи алюминий идишларга ичимлик суви қуйилади, идиш усти картон билан ёпилади ва музхонага жойлаштирилади. Музлаш жараёни бир текисда ўтиши учун идишнинг тагига ҳам картон қўйилади. Музлаш вақти 8-10 соат давом этади. Сувнинг ҳаммасини музлатишга етказмай (80-90 фоиз сув музлагани маъқул), музламаган тузли сув тўкиб ташланади. Музни идишдан олиб, хона ҳароратида эритилади. Бундай сувни бемалол овқатга, чойга ишлатишингиз мумкин.

Батафсил маълумотларни Тошкент шаҳридаги қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 34-64-01, 34-62-55.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ МОЛИЯ ВА НАРХ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Давлат бюджетини ташкил этиш муаммолари ва ягона молия системаси бўлими;

Республикаларо айирбошлаш ва жаҳон бозоридаги нарх-наво методологияси бўлими;

Ишлаб чиқариш техника маҳсулотларига нархни бошқариш методологияси бўлими;

Халқ истеъмоли молларига нархни бошқариш методологияси бўлими;

Солиқ системасининг методологияси бўлими;

Табиий ресурсларни баҳолаш ва улардан фойдаланишни молиявий бошқариш бўлими.

Бўлим бошлиқлари — 6
Етакчи илмий ходим — 5
Катта илмий ходим — 9
Илмий ходим — 6
Кичик илмий ходим — 6

Ҳужжатларни қабул қилувчи танлов комиссиясининг манзилгоҳи; Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй. 1230-хона.

Телефонлар: 39-10-57, 39-41-98.

«УЗСТРОЙКОНСТРУКЦИЯ» ҲУДУДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ ҲУДУДИЙ ОБЪЕКТЛАРНИ ҚУРИШ БЎЙИЧА ДИРЕКЦИЯ

ТУГАТИЛАДИ

ДАЪВОЛАР ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ МОБАЙНИДА ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГОҲДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: 700060, Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 15-уй. «Тугатиш комиссияси».

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛКОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода —3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 81.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.